



ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ ФУҚАРОЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ МАДАНИЯТИ ВА ЎЗАРО ҲАМКОРЛИГИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

Бабаханов Ҳамдам Қадамович

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси
ўқитувчиси, майор

Идиев Жамшид Жаъфар ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси кундузги
таълим Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти
ихтисослиги бўйича таълим олаётган 2-ўқув курси 213-
ўқув гуруҳи курсанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15151979>

ARTICLE INFO

Received: 11th March 2025
Accepted: 18th March 2025
Published: 30th March 2025

KEYWORDS

мулоқот маданияти, ўзаро
ҳамкорлик, фуқаролар билан
ишлаш, коммуникатив кўникмалар,
ишончли муносабатлар,
ижтимоий-ҳуқуқий фаоллик.

ABSTRACT

Мақолада фуқаролар билан мулоқот қилишда инспекторларнинг мулоқот маданияти ва ўзаро ҳамкорликни такомиллаштиришнинг аҳамияти, бунинг ижтимоий-ҳуқуқий фаолликка таъсири ва профилактика фаолиятидаги ўрни таҳлил қилинади. Профилактика инспектори ва фуқаролар ўртасидаги самарали муносабатларни шакллантиришда коммуникатив кўникмалар, психологик ва ишончли мулоқотнинг роли акс эттирилган. Тадқиқотда замонавий методлар, халқаро тажрибалар ва миллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда, профилактика ва фуқаролар билан ишлашда самарадорликни ошириш йўллари таклиф этилади.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислохотларнинг пировард мақсади Мамлакатимизни демократик янгилашнинг бугунги босқичдаги энг муҳим йўналишларидан бири, бу – қонун устуворлиги ва қонунийликни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштиришдан иборатдир¹.

Жамият аъзоларининг барчаси қонунга амал қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишни ўрганиши, ўз ҳуқуқ ва эркинликларини қонун орқали ҳимоялашни, ўз мажбуриятларини оғишмай бажаришни ўрганишлари керак. Шу билан бир қаторда бошқаларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлиши, қонунларга риоя этиш эса ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлиб қолиши лозим. Жамиятнинг ривожини учун унинг аъзоларининг иштироки муҳим аҳамият касб

¹ Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг кўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь/–Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. 56 б

этади, шу жумладан жамиятнинг ривожланиши учун одамлар учун тинч ва осойишта ҳаёт лозим ҳамда уларда келажақда ишонч бўлиши керак. Айнан тинчликни сақлаш учун эса жамият аъзолари тарбияланган, ҳуқуқий билимлари юқори бўлишлигини талаб этади.

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасидаги олиб борилаётган ислохотлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси субъектларининг ҳамкорлигини такомиллаштиришга хизмат қилиб жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга оширувчи самарали тизимини яратиб берди.

Ўзбекистон Республикаси 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги² 371-сонли Қонуни билан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш асосий вазифалардан бири сифатида белгилаб берилган.

Ҳамкорлик – иш-фаолиятда бирга, ҳамкор бўлиш, айти бир ишда биргалашиш, уни тенг бажариш. Бирор соҳада ўзаро боғланиб, биргалиқда, ҳамкор бўлиб иш олиб бориш. Ҳамкорлик қуйидаги тўрт йўналишда амалга оширилади:

- а) ички идоравий ҳамкорлик
- б) идоралараро ҳамкорлик
- в) жамоатчилик билан ҳамкорлик
- г) ҳалқаро ҳамкорлик

Ўзбекистон Республикасининг «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги 2014 йил 14 май қонунининг 9-моддасида ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасалар тизими белгилаб берилган. Буларга

- 1) ички ишлар органлари; 10-модда
- 2) прокуратура органлари; 11-модда
- 3) Давлат хавфсизлик хизмати органлари; 12-модда
- 4) Ўзбекистон Республикаси Президенти давлат хавфсизлик хизмати органлари; 121-модда
- 5) Ўзбекистон Республикаси Миллий гвардияси органлари; 122-модда
- 6) Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги; 123-модда
- 7) адлия органлари; 13-модда
- 8) давлат божхона хизмати органлари; 14-модда
- 9) давлат солиқ хизмати органлари; 15-модда
- 10) меҳнат органлари; 16-модда
- 11) таълимни давлат томонидан бошқариш органлари ва таълим муассасалари; 17-модда
- 12) давлат соғлиқни сақлаш тизимини бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари; 18-модда
- 13) Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси органлари; 19-модда
- 14) Ёшлар ишлари агентлиги

Қонун билан белгиланган ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларни улар фаолиятининг мазмунига кўра иккига: ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар; ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи бошқа органларга ажратиш мумкин.

Ҳудудий профилактика (катта) инспекторлари худудда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш, жамоат тартибини сақлаш ва фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда маҳалла ҳуқуқ тартибот маскани ва таянч пунктлари

² Ўзбекистон Республикаси 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги 371-сонли Қонуни

негизда, энг аввало, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қиладилар.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли Қарори³ қабул қилинди. Мазкур қарорда охириги давраларда давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратилмаётганлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаётганлиги кўрсатиб ўтилди. Қарорда ҳуқуқбузарликларнинг самарали профилактикасини амалга ошириш давлат органлари, шу жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилувчи, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат ташкилотлари, шунингдек хўжалик бошқаруви органларининг (кейинги ўринларда — давлат идоралари ва ташкилотлари) устувор вазифаси этиб белгиланди ва идоралараро комиссиялар ташкил этилиб, уларнинг фаолияти йўналишлари ва асосий вазифалари белгилаб берилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармони⁴ қабул қилинди. Мазкур Фармонда жумладан, шундай келтирилган, Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириб бориш қонун устуворлигини таъминлаш ва қонунийликни мустаҳкамлашнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади.

Сўнгги йилларда миллий ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш, жамиятда ҳуқуқий маданиятни шакллантириш ҳамда малакали юридик кадрларни тайёрлаш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, инсон ҳуқуқ ва эркинликларига ҳурмат муносабатини шакллантиришга, аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга, жамиятда фуқароларнинг ҳуқуқий саводхонлиги даражасини оширишга тўсқинлик қилувчи бир қатор муаммо ва камчиликлар сақланиб қолинмоқда.

Хусусан, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда, энг аввало, ҳуқуқий таълим ва тарбия борасидаги ишлар тизимли ва узвий олиб борилмаяпти. Узоқ йиллар давомида бу масала ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва айрим давлат органларининг иши сифатида қараб келиниб, бунда оила, маҳалла ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг иштироки етарлича таъминланмаган.

Ёшларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантириш, ҳар бир шахсда қонунларга ва одоб-ахлоқ қоидаларига ҳурмат, миллий қадриятларга садоқат, ҳуқуқбузарликларга нисбатан муросасизлик ҳиссини уйғотиш ишига комплекс тарзда ёндашилмади.

Аҳолининг ҳуқуқий билимларини оширишга доир вазифаларнинг умумий тусда белгиланганлиги ҳамда уларни амалга оширишнинг аниқ таъсирчан механизми мавжуд эмаслиги жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш борасидаги ишларнинг самарасиз олиб борилаётганлигини кўрсатади.

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли Қарори

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармони

Ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда шахсий манфаатлар ҳамда жамият манфаатлари ўртасидаги мувозанатни сақлаш ғояларини аҳоли онгига сингдириш ишларининг етарли олиб борилмаслиги ҳам қонун устуворлигини таъминлашга ўзининг жиддий салбий таъсирини кўрсатаётганлиги таъкидланган.

Шунингдек, Фармонда белгиландики, жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш **«шахс — оила — маҳалла — таълим муассасаси — ташкилот — жамият»** принципи бўйича тизимли ва узвий ташкил этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сонли Қарори⁵ қабул қилинди. Мазкур Қарорда Қуйидаги асосий мақсадларга йўналтирилган Ички ишлар органлари ходимларининг касбий маданият ва хизмат интизоми кодекси тасдиқланди:

Шу билан бирга ички ишлар органлари ходимларини «Инсон қадрини учун» тамойили асосида давлатнинг юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, ўз бурчига содиқ, ватанпарвар ва халқпарвар вакили этиб тарбиялаш орқали аҳолининг чинакам розилигига эришиш;

ички ишлар органлари ходимларида хизмат вазифаларига ҳалол, виждонан, Ватан ва халқ олдидаги бурчини чин дилдан ҳис этган ҳолда, юксак масъулият билан ёндашиш, жамиятда умум эътироф этилган одоб-ахлоқ нормаларига сўзсиз амал қилиш тўғрисида шакллантириш;

ички ишлар органларида содир этилиши мумкин бўлган ножўя ҳатти-ҳаракатлар, суистеъмомчилик ва коррупция ҳолатларининг барвақт олдини олиш, ҳуқуқ-тартибот тизими обрўсига салбий таъсир кўрсатувчи низоли вазиятларни юзага келтирмаслик қатъий белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”ги

2024 йил 24 майдаги ПФ-80-сонли Фармони⁶ қабул қилинди. Мазкур Фармонда фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига сўзсиз риоя этилишини таъминлаш, уларга кўрсатилаётган давлат ва ҳуқуқий хизматлар кўламини кенгайтиришда адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш мақсадида:

Қуйидагилар адлия органларининг қўшимча фаолият йўналишлари этиб белгилансин: аҳолининг кундалик ҳаётида учрайдиган ҳуқуқий муаммоларни аниқлаш, уларни таҳлил қилиш ва бартараф этиш бўйича амалий чоралар кўриб бориш;

жойларда аниқланган тизимли муаммоларни бартараф этишга қаратилган қонунчилик ҳужжатлари лойиҳаларини ишлаб чиқиш;

фуқароларга бепул бирламчи юридик ёрдам кўрсатиш тизимини йўлга қўйиш ва мувофиқлаштириб бориш;

давлат органлари ва ташкилотлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ҳамда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида ягона ҳуқуқни қўллаш амалиётини шакллантиришда уларга методик ёрдам кўрсатиб бориш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2024-2025 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш

⁵ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сонли Фармони

⁶ Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислохотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”ги 2024 йил 24 майдаги ПФ-80-сонли Фармони

тўғрисида”ги 2024 йил 18 сентябрдаги ВМ-588-сонли Қарори⁷ қабул қилинди. Мазкур Қарорда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш концепцияси ижросини самарали амалга ошириб бориш мақсадида икки йилга мўлжалланган ҳуқуқий саводхонликни ошириш чора-тадбирлари дастурини ишлаб чиқиш;

ёшларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳамда уларнинг ҳуқуқий тарбиясига салбий таъсир кўрсатувчи омилларга нисбатан ҳуқуқий иммунитетни шакллантиришга қаратилган комплекс ҳуқуқий тарғибот тадбирларини ўтказиш белгиланганди.

Шунингдек, 2024-2025 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Бунда:

– шахс, давлат ва жамиятнинг ўзаро муносабатларида аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш;

– жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтиришда ҳуқуқий тарғиботнинг инновацион усуллари жорий қилиш;

– аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришда оммавий ахборот воситаларининг ролини кучайтириш;

– ҳуқуқий маданиятни юксалтиришнинг илмий асосларини тадқиқ этиш белгиланди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2018 йил 8 январдаги ВМ-15-сонли Қарори⁸ қабул қилинди. Мазкур Низомда фуқаролар, нодавлат ноижорат ташкилотлари, шу жумладан диний ташкилотлар ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун моддий ва бошқа тарзда рағбатлантириш ҳамда фуқароларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлаш тартиби белгиланди.

Шу билан бирга ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишда фуқаролар ва жамоат ташкилотларининг ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлигини янада мустаҳкамлаш;

фуқаролар ва жамоат ташкилотларини ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга қўшаётган ҳиссалари учун муносиб тақдирлаш.

фуқаролар жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишга қўшаётган ҳиссаси учун уларнинг ҳаёти, соғлиғи ҳамда мол-мулкига тажовуз қилинишининг олдини олишга қаратилган, шунингдек, уларнинг хавфсизлиги ва ижтимоий ҳимоя қилиниши чораларини ўз ичига оладиган чора-тадбирлар тизими белгиланди.

Мулоқот ёки муомала янги ахборотларнинг алмашинув жараёни ҳамдир, бу ҳақда Бернард Шоу қуйидагиларни қайд этади: «Агар менда битта олма ва сизда ҳам шунча олма бўлиб, ўзаро алмашсак, сизда ҳам, менда ҳам биттадан олма қолади, агар ҳар биримизда шахсий фикр бўлса ва ўзаро алмашсак, унда ҳар биримизда иккитадан ғоя бўлади». Ушбу таъкиддан ҳам мулоқот давомида ўзаро фикр алмашинув муносабатлари юзага келишини кўриш мумкин.

⁷ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2024-2025 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2024 йил 18 сентябрдаги ВМ-588-сонли Қарори

⁸ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2018 йил 8 январдаги ВМ-15-сонли Қарори

Мулоқот ижтимоий психологик ҳодиса бўлиб, одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир.

Мулоқот орқали шахсларнинг биргаликда алоқа қилиш методикаси кетма-кет бўлган олти босқичдан иборат:

I босқич – ўзаро бир-бирини тушуниш;

II босқич – умумий ёки мос келадиган қизиқишларини топиш;

III босқич – мулоқот учун таклиф этиладиган сифат ва қабул қилинадиган принциплар;

IV босқич – мулоқот учун хавфли бўлган сифатларни аниқлаш;

V босқич – индивидуал таъсир этиш ва суҳбатдошга мослашиш;

VI босқич – умумий қоидаларни яратиш ва ўзаро ҳаракат қилиш.

Босқичлар кетма-кетлигига риоя қилиш тўғри таъсир этишни ташкиллаштиришда муҳим аҳамиятга эгадир.

Мулоқотнинг профилактика инспекторлари фаолиятида қуйидаги турлари мавжуд:

1) бевосита;

2) билвосита;

3) ролли;

4) мазмунли;

5) расмий;

6) норасмий.

Шахслар ўзаро мулоқотга киришар экан, ушбу мулоқот ўзида уч муҳим жиҳатни қамраб олади:

1) коммуникатив (ахборот бериш);

2) интерактив (ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш);

3) перцептив (ўзаро биргаликда идрок қилиш).

Мулоқот жараёнида ахборотни бошқа кишига йўллаётган киши коммуникатор, уни қабул қилаётган киши реципиент деб номланади.

Индивид ҳаётида мулоқотнинг бажарадиган вазифалари турлича, шу боис мулоқотнинг қуйидаги психологик вазифаларини ажратиш мумкин:

– информацион;

– регулятив;

– хабар;

– назорат;

– тарбия.

Информацион вазифаси ахборотни қабул қилиш ва уни тарқатишдир.

Регулятив вазифаси мулоқотни тартибга солиш ва бошқалар билан тўғри муносабатни ташкил қилишдан иборат.

профилактика инспекторлари одамлар билан мулоқот қилиши учун чуқур билим ва қуйидаги ижтимоий-психологик фазилатларга эга бўлиши керак.

– нотаниш шахслар билан тезда мулоқотга киришиш, уларга маъқул бўлиш;

– бошқа шахсларнинг гапини эшитиш қобилиятига эга бўлиш;

– одамларга психологик таъсир кўрсата билиш;

– мулоқот жараёнида психологик тўсиқларни бартараф этиш ва ҳоказо.

Мулоқот жараёнида объектнинг ўзига хос томонлари борлигини ҳам ҳисобга олиш лозим. Шунини айтиш жоизки, кўп ҳолатларда жиноятчи шахслар жамиятдаги ахлоқсиз, одобсиз ва виждонсиз кишилар бўладилар. Натижада мулоқот жараёнида ҳар хил психологик тўсиқлар пайдо бўлиб, кўпроқ улар сунъий равишда вужудга келтирилади.

Мулоқот жараёнида қуйидаги психологик тўсиқлар вужудга келиши мумкин:

1) мотивацион тўсиқлар;

2) ақлий тўсиқлар (интеллектуал);

3) эмоционал тўсиқлар;

4) тарбиявий жараёндаги тўсиқлар.

Мотивацион тўсиқлар шахснинг мулоқотга киришишдан бош тортиши, муомалани тўғри, аниқ кўринишда олиб борилишини хоҳламаслигида намоён бўлади.

Ақлий тўсиқлар шахснинг ходимга нисбатан билим доирасининг кенглиги, мантиқий фикрлашининг чуқурлиги ва ҳуқуқий саводхонлиги юқори бўлган тақдирда вужудга келади.

Эмоционал тўсиқлар мулоқотга киришувчиларнинг психологик ва эмоционал-иродавий ҳолатларидан келиб чиқади (тажовузкорлик, қўрқув, асабийлашиш, хўрланиш ва бошқалар).

Тарбиявий жараёнлардаги тўсиқларга ички ишлар органлари ходимлари тарбияси «қийин» ўсмирлар, носоғлом оилалар ва муқаддам судланган шахслар билан профилактик чора-тадбирлар олиб бораётган вақтда учрайди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, профилактик усул ва шакллар ҳуқуқбузарликлар профилактикасининг самарадорлигини таъминловчи асосий воситалар бўлиб, улардан ўз вақти ва ўрнида фойдаланилсагина, юқори натижаларга эришиш кафолатланади.

Шу боисдан, бугунги кунда замон талабидан келиб чиқиб, профилактика инспекторларининг зиммасига юклатилган мажбуриятларнинг талаб даражасида бажарилиши учун шахсий жавобгарлигини кучайтириш, шу жумладан ўзларининг фаолияти ҳақида жамоатчилик олдида тизимли равишда ҳисобот беришларини йўлга қўйиш, уларнинг аҳолини ташвишга солаётган муаммоларга юзаки муносабатда бўлиш ҳолатларига чек қўйиш, профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг таъсирчан мезонларини жорий этиш, бунда, биринчи навбатда жамоатчилик фикри, уларнинг фаолияти натижаларидан фуқароларнинг қаноатланиши ҳамда аҳоли билан ҳамкорлик даражасини ҳисобга олишни касб этади.

Фойданилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2023.
2. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь/-Тошкент: «Ўзбекистон», 2010. 56 б.
3. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги қонуни.
4. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 16 сентябрдаги “Ички ишлар органлари тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси қонун
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги “Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора - тадбирлари тўғрисида” ПФ-5005-сон Фармони.
6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 мартдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сон Фармони.
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 29 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикаси жамоат хавфсизлиги концепциясини тасдиқлаш ва уни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-27-сон Фармони.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2017 йил 14 мартдаги ПҚ-2833-сонли Қарори.
9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ““Жамиятда ҳуқуқий онг ва ҳуқуқий маданиятни юксалтириш тизимини тубдан такомиллаштириш тўғрисида”ги 2019 йил 9 январдаги ПФ-5618-сонли Фармони.
10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 2023 йил 20 январдаги ПҚ-10-сонли Фармони.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маъмурий ислоҳотлар доирасида адлия органлари ва муассасаларининг масъулиятини янада ошириш ҳамда ихчам бошқарув тизимини шакллантириш тўғрисида”ги 2024 йил 24 майдаги ПФ-80-сонли Фармони.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “2024-2025 йилларда жамиятда ҳуқуқий маданиятни юксалтириш бўйича чора-тадбирлар дастурини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2024 йил 18 сентябрдаги ВМ-588-сонли Қарори.
13. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Фуқаролар ва жамоат ташкилотларини жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашишдаги фаол иштироки учун рағбатлантириш тартиби тўғрисида низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2018 йил 8 январдаги ВМ-15-сонли Қарори.
14. Қадамович, Б. Ҳ. (2024). ХОТИН-ҚИЗЛАР ТОМОНИДАН СОДИР ЭТИЛАДИГАН ЖИНОЯТЛАР ПРОФИЛАКТИКАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ. Eurasian Journal of Law, Finance and Applied Sciences, 4(4), 33-41.

INNOVATIVE
ACADEMY